



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНİŞ

37 (98) 2010 йил 15 сентябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиши" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган  
www.milliytiklanish.uz

Мустақиллик — олий саодат

Бугунги кунда аёлларимиз жамиятда, ойлода муносаб ўрин, қадр топишлари учун уларнинг маънавий ва хуқуқий манфаатлари ҳар томонлама химоя килинган, деб айти оламиз. Бу борада ЎзМТДП ҳам ўзининг бир катор лойиха ва режаларини ишлаб чиқиб, уларни хотингизлар хәтига кенг татбиқ этиш борасида изчил иш олиб бормоқда.



3-бет

## Замонавий кутубхона

Бугунги кунда кутубхонада журналистик мавзуга таалукли 100 дан зиёд ўкув кўлланмаларининг электрон нусхалари тайёрланган бўлиб, мавжуд бошқа манбаларнинг ҳам электрон каталоги ҳамда нусхаларини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амала оширилмоқда.



6-бет

## Келажак эҳтиёжи

Сайёрамизда нефть ва газга эҳтиёж тобора ортиб бораётган бир пайдада олимлар энергиянинг муқобил манбаларини излаб топишга ҳаракат қилишмоқда. Мутахассисларнинг фрича, нефть ва газ каби чекланган табии ресурслар эртами-кечми барibir тугайди. Келгусида улар ўрнини муқобил энергия манбалари, хусусан, био-ёнилги эгаллаши мумкин.

7-бет

**МТ**

БУГУНГИ СОНДА:

ФРАКЦИЯ 2-бет

Ўстоз-шогирд анъаналари

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 3-бет

Мустақиллик — олий саодат

ЎзМТДП ва маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет

Онкологиянинг долзарб масалалари

МАЪНАВИЯТ 5-бет

Бухоро тимсоли

Қонуний никоҳ ва тиббий кўрик

Ўзбек халқ достонлари

ЖАРАЁН 6-бет

Минг болали "онахон"

Кореяда даволаниб кайтиши

ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет

МОНО ЛИЗАНИНГ сирли табассуми

Дунёдан дараклар

КЎЗГУ 8-бет

Пешогорда бир кун

## ИФТИХОР

# Бухоро тимсоли

кенг жамоатчилик "Кўхна ва боқий Бухоро" монументига ана шундай нисбат бермоқда



Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги Бухорода жуда кўтарики руҳда кутиб олинди. Чунки бунинг ўзига хос шукухли ва кувончили сабаблари бор. Мустақиллигимиз арафасида Бухорор шарифда улкан маданий марказ куриб фойдаланнишга топширилди. 107 гектардан иборат ушбу мажмууда йирик иншоотлар – 750 ўринли вилоят мусиқали драма театри, иккى минг томошабинни ўз бағрига сифидрадиган амфитеатр ва кўзларни яшнатадиган "Кўхна ва боқий Бухоро" монументи қад ростлади.

Бевосита Юрбошимиз Ислом Каримов ташабуси ва foysiga асосан курилган бу маданий марказ киска вақтда бухороликларнинг севимили масканига айланди. Президентимиз унинг очилини маросимида иштирок этиб, мажмуя ёшларнинг севимили масканига, уларнинг дам олиш жойига, буюк тарихидан гурур ва ифтихор туйусини оширадиган, келаҳакка бўлган интилишини мустаҳкамлайдиган ҳақиқий зиёратгоҳга айланниши, ёшлар бу майдонга заглил килиши, "бизлар учун курилган", деб баралди айтиши ва бу имкониятларга муносаб тарзида ўқиши, ишлаши ва яшами кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтилар. "Барқамол авлод ўлили" да куриб фойдаланишга топширилган ушбу мажмуя бухоролик ёшлар учун тенгизсиз совга бўлди, деб айтиш мумкин.

Юрбошимиз ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида шундай ёзди: "Барчамизга мәълумки, инсон ўзлигини англабани, насл-насабини чукурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйгуси илдиз отиб, улға боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғлиб ўстган юргат мухаббат ҳам шу қадар юксак бўлади.

Албатта, жаҳон – кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яқио ягона. Бу гўзел юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуг туйғи ҳар биримизнинг дилимизгажо бўйиши, ҳаётиз мазмунига айланниши истардим.

Тарих ҳақиқати шунни кўрсатадиги, то-мирида миллий гурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий мухит яратишни керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлокларимиз киёфасида Ватандан фарҳланиши хисси кўзимизни, қабимизни яшнатиб турсин".

5-бет

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Мубин Мираев Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси юзасидан депутатларга ахборот берди.

2-бет

## ЖАРАЁН

# Маҳаллий инвесторлар

улар манфаатларини таъминлаш мамлакат инвестиция салоҳиятини кўтаришнинг асосий омили

Мустақиллик йилларида Президентимиз бошчилигига юртимизда иктисодий соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амала оширилиб, улкан ютуқлар кўлга киритилди.

Мамлакатиқсодий мустақиллигига эришига қаратилган ушбу сиёсат замирда иктисодий таркибий қайта куриш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириб бориш, тўргидан тўғри хорижий инвестицияларни жалқиши, маҳаллий хомаше ресурсларни чуқур қайта ишлашга қаратилган маҳаллийлаштириш дастурини амала ошириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўйлаб-куватлаш, иктисодиётда хусусий мулк утворлигини таъминлаш орқа-

2-бет

## АНЬАНА

"Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёуз ва битиклар, ҳалқ оғзаси ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланётган минг-минглаб кўлъёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, дехқончилик ва бошқа соҳаларга оид қўймамтабоҳ асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган ҳалқ дунёда камдан-кам топилади".

Ислом КАРИМОВ

# Ўзбек халқ достонлари

унда ҳалқнинг руҳий олами яшайди

Халқимизнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятлари узоқ тарихга эга бўлиб, асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, сайдж топмоқда. Улар орасида, айниска, ҳалқ оғзаси ижодининг таркибий қисми бўлган дестончилик ўзига хослиги, мавзу кўлами жиҳатдан ранг-баранглиги билан ахрапи туради. Ўзбекистон Фанлар академияси

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номидаги Жаббор Эшонкул билан дестончилик тарихи, бугуни, маънавий олами, шахсни тарбиялашда тутган ўрни ҳақида сұхbatлашдик.

5-бет

## ФОРУМ

# Мустақиллик – олий саодат

шиори остида ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган миңтақавий форумлар миллий анъаналар асосида ижод қилаётган истеъоддли хотин-қизларни кўллаб-куватлашга хизмат қилмоқда

Ўзбек аёллари қадим-қадимдан жамият ҳаётида фаол иштирок этиб келишган. Улар нафқат оқил фарзандлар тарбиялаш, балки ижтимоий-маданий ҳаётда ҳам муҳим ўрин тутишган. Уйганиш даври номи билан атальувчи дунё тадамдуни айнан туркни заминда қалқиди. Ана шу тўлқинланишида оналаримизнинг ҳиссаси, жасорати, қаҳрамонликлари, шарқона-донишмандликлари ўтмиш тарихимиз зарварақларини нурлантириб туриди. Уларнинг муборак номларини, кўрсатган жасоратларини, колдирган меросларини кадрлаш биз учун фарзиди.

3-бет



**ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН**



# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ФОРУМ

## Мустақиллик – олий саодат

шиори остида ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган минтақавий форумлар миллий анъаналар асосида ижод қилаётган истеъодли хотин-қизларни кўллаб-кувватлашга хизмат қилмоқда



(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунларданоқ Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқенини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг саломатликларини асрарша, сиёсий-иқтимоий фоликларини оширишга қаратилган амалий ишлар бугун ҳам изчил давом этирилмоқда.

Мамлакатимиз "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамоили асосида ривожланар экан, ана шу жарабаиде аёлларнинг ўрни тобора мустаҳкамлани, кучайи бормоқда. Улар эндилиқда депутат, давлат арбоби, ракбар, тадбиркор, ижодкор сифатида юрт тараққиётига муносиб хисса қўшимоқда. Айнан, мустақиллик даврида тулиғи, камолга етган қизларимизнинг мувafferиятлари кишини кунвонтиради.

Ўзбекистон "Миллий тилинш" демократик партияси Марказий Кенгаши Икроя кўмитаси ва ЎзМТДП "Аёллар қаноти" томонидан "Баркамол авлод иили" хамда ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 19 йиллигига бағишиш Самарқанд шаҳрида "Мустақиллик – олий саодат" шиори остида ўтказилган форумда ҳам хотин-қизларимизнинг нечогли қобилият эгаси эканлиги яна бир карра намоён бўлди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Икроя кўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев очар экан, жумладан шундай деди:

— Миллатимиз, мамлакатимиз тарихи ва қудратининг тимсоли; буюк алломалар ва давлат арбобларига бешик бўлган

Форум ЎзМТДП ғоя ва мақсадлари хамда сайловолди Ҳаракат дастурида назарда тутилган мақсад-вазифалардан келиб чиқкан ҳолда хотин-қизларда етакчилик фазилатларини аниқлаш, турли соҳаларда ижод ва меҳнат қилаётган истеъоддаги эгаларни кўллаб-кувватлаш ва улар ижодини кенг жамоатчиликка танишиши, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлар масаласини ҳал қилишга кўмаклашши, улар орасида согром турмуш тарзини шакллантириш ва тарбиғи килиш, шунингдек хотин-қизларнинг ижтимоий мавқенини кўтиши хамда уларнинг ҳуқуки, иқтисодий, сиёсий билимларини янада ошириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбир вилоятдаги кўлигул ҳунарманд аёлларнинг миллий урф-одатларимизни акс этируви милий либослар, касаничилини намуналари асосидаги кўргазмалари, баҳшиларини айтишувлари, бадиий гурухларини саҳна кўринишлари, миллий ўйинлардан лавҳалар, турли миллат вакилларининг миллий фольклор чикишлари ва карнай-сурнай садолари остида таштанали очиди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Икроя кўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев очар экан, жумладан шундай деди:

— Миллатимиз, мамлакатимиз тарихи ва қудратининг тимсоли; буюк алломалар ва давлат арбобларига бешик бўлган

### ЎзМТДП ДАСТУРИ – АМАЛДА

Маънан баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда маҳалланинг ўрни бекиёсdir. Чунки ўзаро меҳр-оқибат, муруват кўрсатиш, бағрикенглиқ, бир-бирининг холидан хабар олиш, яхши-ёмон кунларда елкадош бўлиш каби ҳалқимизга хос бўлган гўзал фазилатлар айнан маҳалла мухитида ёшлар онги, дунёкарашига сингиб боради ва ана шундай қадрятлар қўршовида улгайган ҳар бир инсон эса эзгуликка, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларига қодир бўлади.

**Аброр УМАРКУЛОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбари

Ушбу мазмундаги фикрларни ЎзМТДП Шайхонтохур туман кенгаши томонидан "Баркамол авлод иили"га бағишиб пойтахти миздаги "Тинчлик" МФИ да "Баркамол авлод тарбиясига барчамиз масгулумиз" мавзусида ташкил этилган тадбирда сўзга чиқкан депутатлар, партия ҳамда маҳалла фаоллари ёълоҳида таъкидларидар.

Унда Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутатлари, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Икроя Кўмитаси девони ходимлари, партия фаоллари, Шайхонтохур тумани ҳокимлиги ва "Маҳалла"

жамғармаси вакиллари хамда оммий ахборот воститарли ходимлари иштирок этди.

Дарҳакиат, бугунги кунда Президентимиз таъбири билан айтганда, ахлонинг, айниқса, ёшларнинг манъавий-ахлоқий тарбияси билан боғлик масалаларни ичиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолияти портишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфзизлигини саклашда маҳалланинг ўрни тобора кучайиб, жамиятдаги мавқei янада мустаҳкамлани бормоқда. Бир сўз дагондаги тарбиясида Ҳаракат дастурида маҳалла институтининг роли нечогли мухим эканлигига эътибор қаратиб, жумладан шундай деди:

— Маҳалла ёшларни миллий руҳда тарбиялашнинг ўзига хос ус-

## ЎзМТДП ва маҳалла

уларнинг баркамол авлод тарбияси борасидаги ҳамкорлиги юкори самарага олиб келади.

Ўзида ўз вақтида ва мувafferиятни ҳал этилиб, маҳфаатлари ҳимоя килинмоқда.

Тадбирни ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Икроя кўмитаси раиси ўринбосари Мусаллим Умирова очаркан, у фуқаролик жамиятининг мухом институти хосбланган ушбу маскаланинг бугунги кунда тутган ўрни, ёштар тарбиясидаги аҳамияти ҳамда ўзбекистон "Миллий тилинш" демократик партиясининг ғоя ва мақсади хамда сайловолди Ҳаракат дастурида маҳалланинг нуғузини ошириш борасидаги белтилган вазифалар, шу билан бирга, мазкур институт билан ҳамкорликда партининг олиб бораётган амалий ишларига тўхтабиб ўтди. Шунингдек, нотиқ баркамол авлод тарбиясида маҳалла институтининг роли нечогли мухим эканлигига эътибор қаратиб, жумладан шундай деди:

— Маҳалла ёшларни миллий руҳда тарбиялашнинг ўзига хос ус-

луби мавjud. Бола гўдаклик чоғидан ижтимоий тартиби бўйсунишни килинмоқда.

Тадбирни ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Икроя кўмитаси раиси ўринбосари Мусаллим Умирова очаркан, у фуқаролик жамиятининг мухом институти хосбланган ушбу маскаланинг бугунги кунда тутган ўрни, ёштар тарбиясидаги аҳамияти ҳамда ўзбекистон "Миллий тилинш" демократик партиясининг ғоя ва мақсади хамда сайловолди Ҳаракат дастурида маҳалланинг нуғузини ошириш борасидаги белтилган вазифалар, шу билан бирга, мазкур институт билан ҳамкорликда партининг олиб бораётган амалий ишларига тўхтабиб ўтди. Шунингдек, нотиқ баркамол авлод тарбиясида маҳалла институтининг роли нечогли мухим эканлигига эътибор қаратиб, жумладан шундай деди:

— Маҳалла ёшларни миллий руҳда тарбиялашнинг ўзига хос ус-

луби мавjud. Бола гўдаклик чоғидан ижтимоий тартиби бўйсунишни килинмоқда.

Тадбирни ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Икроя кўмитаси раиси ўринбосари Мусаллим Умирова очаркан, у фуқаролик жамиятининг мухом институти хосбланган ушбу маскаланинг бугунги кунда тутган ўрни, ёштар тарбиясидаги аҳамияти ҳамда ўзбекистон "Миллий тилинш" демократик партияси ва маҳалла институти ҳамкорлигини янада кучайтириб яратибди.

Шундан сўнг сўзга чиқкан депутат, партия фаоллари маҳалла фаолиятининг ҳуқуки базасини тақомиллаштириш, унинг самарали фаолияти юритиш механизмида ва ваколатларини кенгайтириши борасидаги олиб бораётган амалий ишлар, маҳаллада миллий ҳунармандичлик ва касаничиликни рivojлantirishiغا қaratilgan ҳusn-ҳarakatlari ҳamda "Tinchnik" махалlassidi ўzMTDП bosnalanchi ташкилоти фаолияти хосусида сўзладилар. Тадбирни доирасидаги аҳамияти ҳамданинг милий мурасабати олиб бораётган окилона сиёсати ва меҳнаткаш ҳалқимизнинг меҳнати, орзу-интилишлари ётиди.

Давра сұхбати қизиқарли фикр-мулоҳазалар тарзида ўтди.

ЎзМТДП Кўшкўпир туман кенгаши томонидан "Хал ҳунармандчилиги – миллий қадрятларимиз ва анъаналарни ажralmas kismisi" мавзусида тадбир ўтказилди.

— Хал ҳунармандчилиги бизга ота-боборларимиздан ўтиб келаётган бебоҳ мерос, – деди ЎзМТДП туман кенгаши Икроя кўмитаси раиси ўринбосари М. Тиллаева. — Ана шу меросни асраб-авайлаш, уни келгуси авлодга етказиши партиясимиз дастурий максад ва вазифаларидан бирин саналади. Мустақил Ватанимизда мазкур соҳага аълоҳида ётиб қаратилиб, кенг имкониятлар яратибди. Бунинг натижаси ўларо, кўли гул ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар, дунёни кўргазмалари расталаридан ҳам ўрин олиб, ўз харидорини топмоқда. Бу эса миллий ифтихоримизга айланган соҳа ривожи ва унинг довругини ёйиш айни муддаодир.

Тадбир давомида туман ҳунармандларининг махсулотлари на-

ХРОНИКА

## Тадбирларда

истиклол берган имкониятлар хусусида сўз борди

### САМАРҚАНД

Энг улуг, энг азиз байрам — Истиклол шукухи ҳали ҳам юртимиз узра кезиб юриди. Ўзбекистон "Миллий тилинш" демократик партияси Самарқанд вилоят ва Самарқанд шаҳар кенгашлари Ўзбекистон ёзувчилар ушумаси вилоят бўлуми билан ѡнамдида "Бу мукаддас Ватанда – азизид инсон" шиори остида ўтказган шеърият кечасини бунга мисол қилиш мумкин.

Самарқандлик маърифатпарвар шоир Ориф Гулхан ўз музейда бўлиб ўтган тадбирда ЎзМТДП вилоят ва шаҳар кенгашлари аъзолари, ижодкорлар ҳамда шеърията ошно бир гурӯҳ ёшлар иштирок этилар. Уни Олий Мажлис Сенати аъзоси, ёзувчилар ушумаси вилоят бўлуми раиси Фармон Тошев очди ва воҳада ижод қилаётган шоир, ёзувчи ва журналистларни мустақиллик байрамида келиб кетади.

Форум гарчанд 1000 нафардан ошик жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган бўлса-да, у расмиятиларидан холи, самимиш субҳат, жонли мулодат тарзида ҳамда таасусот ва самарага бой бўлди. Тўпланганлар ҳалқимизнинг санъаткор ва ижодкорлари томонидан ижод қилаётган шоир, ёзувчи ва журналистларни мустақиллик байрамида келиб кетади.

— Рўйи заминнинг сайдали хисобланган Самарқандда шу ўн тўқиз ўйлаб юнисида иктисолид, иктиомий-сиёсий, маданий соҳаларда асрларга татулиларни бунёдкорлик, яратувчиларни амалга оширилди, – деди ЎзМТДП вилоят кенгаши Икроя кўмитаси раиси ўринбосари Лутфилла Мамасалиев. – Бундай ислоҳотлар вилоятдаги этити яшардади етмиш яшаргача бўлган каттаю кирикли бирдек мамнун кимлоқда. Мана шундай ўзгаришларни кўрган чет эллик мемонлар ижтимоий хисобланган тарихий обидаларни тиклаш ва ободонлаштириш ишларидан ЎзМТДП вилоят кенгаши ҳам ўз хиссасини кўшайтиганини айтиши жоиз.

Тадбир давомида Ватан ишни, истиклол шукухини, қадрни ўз шеърларидан жо қилган ижодкорлар Ориф Ҳожи, Нурсат Раҳмат, Дилором Дилҳоҳ, Ҳамид Ҳаримова, Жамол Сироҷиддин, Нурулла, Кубборо Баҳрамова, Нуридин Бобоқандов, Ёрмамат, Абдураҳим Соли Бордомий, Салим Кенжа каби шоирлар ўз ижодларидан намуналар ўқиди

Худди шундай тадбир Мир Сайд Барака маҳалласида ҳам ўтка-зилди.

ЎзМТДП вилоят, шаҳар кенгашлари аъзолари, шаҳар ҳокимлиги вакиллари, ёшлар ва худуд аҳолиси иштирок этган тадбирда, истиклол йилларида маҳалла идораларига ўзини ўзи бошқарши институти сифатida қаралётгани, бунинг натижасида маҳаллалар иншатидан ҳам хотин-қизларни ашништади.

— Бу йил байрамимиз шукухини, таровати ўзгача. Боиси шахримиз бутунлай янги киёфага кирган, – деди қишлоқ фуқаролар Йигини раиси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Суннат Қўбабаев. – Президентимизнинг оқилона олиб бораётган сиёсати ва бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз чиройига-чирой, кўркига-кўр қўшилмоқда. Бунга жавобан эса ҳар биримиздан тадбирни кўшайтиганини айтиши жоиз.

Тадбир сўнгидаги тадбирни Ҳунармандларни ташкилотларидан кам таъминланган оқиллар, ногирон, ва кекса қишиларга ёсдамиш совфалари топширилди.

### СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан Ўзбекистон мустақиллигининг ўн тўқиз йиллик байрами муносабати билан маҳаллалардаги кам таъминланган, бокувчисини йўқотган ҳамда нуроний отaxonи онахонлар, ногиронлар холидан хабар олиш максадидан ҳамайтида алоҳиди маъвқеянига мавқ



# МАЊНАВИЯТ

## ИФТИХОР

# Бухоро тимсоли

кенг жамоатчилик

“Кўхна ва боқий Бухоро” монументига  
ана шундай нисбат бермоқда

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Дарҳақат, миллий ва замонави архитектуранинг ёрқин наомунаси бўйламиш театр ва амфитеатр бинолари, шунингдек, ҳайкалтарошиликнинг бетакор жозибасини ўзида акс этирган “Кўхна ва боқий Бухоро” монументи ёшлиларимизда фарҳ-ифтихор, ўз тарихи ва Ватанига нисбатан чексиз сурур уйғотиши шубҳасиз.

### Бухородан нур тараалар

Мастура ХОДИЕВА,  
Коғон шахридағи  
7-мактаб ўкувчиси:

- Аввало, бизга ана шундай гўзал маданий марказ куриб берганлари учун Президентимизга, ҳайкалтарошларга, курувчи бунёдкорларга катта раҳмат деймиз. Мен бу йил вилоят ҳокимлиги стипендиасига сазовор бўйдим. Бу борадаги гувоҳномани ана шу маданий марказда берилгани менда қанчалар фарҳ-ифтихор тўйғусининг ўйғоттанини таърифлашга тил оқиз.

Соҳиб РАУПОВ,  
Бухудунинг “Миллий ғоя”,  
хукуқ ва мањнавият  
асослари” кафедраси  
доценти:

- “Бухоро маданий маркази”нинг мањнавий-маърифий аҳамияти жуда ҳам бекиёс. Аввало шуну айтиш жоизи, “Кўхна ва боқий Бухоро” монументидаги Бухоронинг ҳам олис тарихи, ҳам порлок келажаги ўз аксини топган. Унда илм-тафаккури билан дунёга донг тараатган аждодларимиз ва шархимизнинг 12 та тарихий обидаси зарҳал ҳарфлар билан мангалика мурхланган. Мажмуя шу даражада чиройли, кўркам ва маҳобатлики, уни ҳатто Тожмағалга менгзаш мумкин.

Маданий марказни айнича кеч коронги тушганда кўрсангиз, унинг занг-баранг чирокларидан кўнглингиз ҳам ёришиб, ҳам ёшарип кетади. Айтишларика дунёдаги 7 та шариф шахар ичидан фақат Бухородагина кўкка нур тараалар эмиш. Ёшларимизнинг нурли масканига яйланувчи ушбу мажмуя шархимиз номига ҳар томонлама муносаб бўлди, дейиш мумкин. Колаверса, фарзандларимизнинг миллий қадротларни ўрни бекиёс эканлиги шубҳасиз.



Шамсиддин ЙУЛЛИЕВ,  
Бухоро вилоят мусикиали  
драма театри директори:

- Бизга тортиқ этилган бўндай гўзал ва ҳашаматли, замонавий театр биносини кўпгина мамлакаталарда оруз қилишиади. Энди биз унга мунособ равища иш юритишими зозим. Бу айниқса жамоамиз зиммасига улкан масъулият юлайди. Президентимиз театрининг очишиш “маросимид” бўгунги ёшларга ўтрак бўладиган, уларни ватаннапарварлик ва миллий руҳда тарбиялайдиган замонавий қархамонлар образини юратишими зозимлиги ҳақида алоҳида тўхта-

либ ўтилар. Айни кунда асосий фолиоятимизни ана шундай улкан мақсадга қаратганимиз.

Театр – тарбия маскани экани ҳаммага маълум. Ёшларни бизга ёт бўлган мағфуравий таҳдидлардан асрар биринчи гандаги вазифамизdir. 750 ўнинг мўлжалланган театр биносида жамоа учун ҳам, томошабинлар учун ҳам барча шарт-шароитлар юратилган. Ўтгиси, унинг ички ва ташки қўришини, безакларий, жозӣбадор ҳандиллари пойтахтдаги театрлардан келишади. Юртбошимиз рахматлигида ўзбекистон тарбият арбоби, Ўзбекистон Бадиий академияси агадемиги Илҳом ЖАББОРОВнинг фикр-мулоҳазалари билан ўтказилади.

Ёрқин намунаси бўлиб қолади.

### Ҳайкалтарош хўзурда

Юртбошимиз ташабуси ва гояси асосида бўнёд этилган “Кўхна ва боқий Бухоро” монументи, қола-верса, “Бухоро маданий маркази”нинг қадростлашада ҳайкалтарошлар, айниқса, уста-хунармандларнинг меҳнати бекиёсdir. Монументда илим ўрганиши ҳар бир эркак ва аёл учун фарз эканлиги эслатилади. Юртимизда, айниқса, мустақиллик йилларida ёшларимиз кенг ва чукур или олишилари учун жуда катта шарт-шароит юратиладиганлиги бежиз эмас экан-да, деган хуласага келасиз.

“Кўхна ва боқий Бухоро” монументини бир сўз билан Бухоронинг ҳаритаси деб ҳам аташ мумкин. Чунки бу ерга келиб-кетувчилар уни кўриб ва ўқиб Бухоронинг ўтмиши ва бугуни ҳақида муйайн тасаввур ҳосил қилишлари шубҳасиз. Зеро, унда Бухоронинг неча минг йиллик тарихи мужассам.

Шу кунларда маданий марказни саёҳат қилиб юрган ҳар бир буҳороликнинг ҳарчасида ҳам ҳайрат, ҳам шудо ҳурамлик, фарҳ-ифтихор тўйгиси балоби турибди. Болажонлар тунги фаворалар бағридан тараётган ранг-баранг чиқоқлар нуридан завъ олишмоқда. 18 метрлик улкан “Кўхна ва боқий Бухоро” монументи олисдан туриб-бок ҳар қандай киши ёзтиборини тортади. Маданий марказ Бухоро тимсоли, мукаддас гўшаларидан бири бўлиб қолиши шак-шубҳасиз.

Маннон ОТАБОЙ,  
“Milliy tiklanish” мухбири

## МУАММО ВА ЕЧИМ

# Қонуний никоҳ ва тиббий қўрик

Оила мустаҳкамлиги  
гарови

Яқинда Бухоро шаҳар 2-сон ФХДЁ бўлимига эр-хотин кириб келди. Эрнинг қўлида туғилганлик тўғрисида гувоҳнома.

- Ола, мана буни алмаштириш керак, - деди у менга хужжатларни тутқазиб. Юзимдаги аҳабаларни ифодасини сезгач қўшимча қилди: - Қаранг, боланинг исм-шарифи онасининг фамилиясида ёзилиби.

Уларни танидим. Бундан уч йилча бурун идорамизга кўл ушлашиб кириб келиб, ниноҳадан ўтмокчиликларини айтишганди. Уларни рўйхатга олиб, тиббий қўрикдан ўтиш учун йўлламна тутқазаётганимда бирдан йигит эътироз билдира кетди:

- Ие, тиббий қўрик учун ҳам овора бўлишимиз керакми? Эртага тўй, беш кундан кейин эса хорижга жўнаб кетишм керак, отпусткам ҳам тугаб қолди. Ана шундан сўнг келин бўлмисга мурожат қилиб: - Юр, кетди. Ҳозирча зарурни кўрайлик. Сени салонга қолдириб ўтаман. Кейин ансамбли, видеочарниларни ҳам кўришимиз керак. Орадан бир йил ўтмасдан ўша келинчак ҳузуримизга туғилганлик тўғрисида гувоҳнома беришишимиз сўраб илтимос қилиб келди. Аёл расмий ниноҳадан ўтмаганлиги бўис уни ёлғиз она, деб расмийлаштириш ва шу асосда боласини она фамилиясида қайд этишга тўғри келди. Бугун эса эр-хотин ана шу гувоҳномани алмаштириши сўраб мурожат этиштаганди. Уларга яна амалдаги қонуничилар доирасида аввало, тиббий қўриқдан ўтиб, никоҳни қайд этишлари лозимлигини тушунтиридим.

Ҳа, мини афсуски, никоҳ ёшидаги баъзи йигит-қизларимизнинг оила куришдаги билимсизликлари, бефарқликлари сабаби ана шундай ҳолатлар ҳам юз бермоқда.

Баъзилар ҳамон дабдабали тўй ёки эл-юрта кўз-кўз қилиб турмуш куришни соҳалайди. Бирор ана шундай тўй килишга чалғиб, оила қонучлигини асословчи расмий никоҳни унтиб кўйётган ёхуд бу исага иккичи даражали юмуш деб қаралётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Баъзилар яллача видеотасвирчи, аэро дизайни ходимию ресторан, бундан ташқари турилди катта-кичик расм-руsumларга катта маблаг, ойлаб вақт сарфлашга қизганишмайди, лекин тиббий қўрик учун кетадиган атиги иккича кўнилди вақтни кўзлари киймайди. Охир оқибати ана шундай ҳолга тушиб қолишиади.

Шу боси биз маҳаллалар, турилди йигинларда аҳоли билан учрашганда қонуний никоҳ, тиббий қўрикнинг афзаликлари, ёлғиз она, оталини белгилаш ҳолатлари, сабаблари ва оқибатлари ҳақида тушунтириши шилари олиб боряпмиз. Ана шундай ҳаракатлар самараси ўларок, ҳудудимизда ёлғиз она ва оталини белгилаш ҳолатлари кескин камайди. Бу эса ёшларимизнинг қонуний оила, расмий никоҳ ҳақидаги билим ва қўнималари ошиб бораётганигидан далолатдир.

Соҳиба ФОЙИБОВА,  
Бухоро шаҳар 2-сон ФХДЁ бўлими мудираси

## АНЬАНА

# Ўзбек халқ достонлари

унда халқнинг руҳий олами яшайди

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

- Минтақамида достонларнинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида тұхталсангиз.

- Достончиллик, яни бахшичилик асрлар оша оғзаки равишида сакланб иккелётган санъат турларидан биридан. Бахши ўз хотирасида мавжуд достончиллик аниналарини саклаб, уни авлодларга етказиб келган ва ҳар гал ижро этилганда, баънана янада бойб, янгиланб ғорган. Бахшилар шунчаки ижрои эмас, балки халқ тархиши ва мањнавиятини асрорчи санъаткорларидан. Аҳодлардан қолган бу меросни ҳар бир бахши ўз куввати ҳофзасига кўра ижро этиди.

Умуман олганда, бахшилар қадимдан устоз-шогирд аниналарига жийдид ётибор беришган. Шуниси кизики, аксар ўзбек бахшиларни ўз устозларни ҳақида деб ётиришади. Улар қобилиятларини сир саклайди ўхуд илқиёт билан боғлашиди. Бунгаб сабаб халқимизнинг бахшиларни, эпик иходиётни муддатни, деб билишидир.

Бахши яратган эпик намуналарни ўртгани, сиз ҳам тобора бу сирга кўпроқ ишончи қысаласиз, бу мафтункор, сирли ва сехри дүнёнинг асирига яйланасиз. Тасаввур килинг, юз минглаб мисраларни ёд билиш, уни исталган пайдат ижро этиши ва ижро этиганда ҳам ҳар гал янгидан ижро этиш ҳамма санъаткорга насиб этавермайдиган бир баҳтидир.

Бирор бир бахши ўз-ўзидан ўхуд четдан пайдо бўлмайди. Бахшини билиш учун вуза етган мухитни ўрганишади. Булунғур, Кўргон, Нарпай, Шеробод, Қамай каби достончиллик мактабларининг вуза ўзбек бахшиларидан Эршаг Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Раҳма-

тулла Юсуф ўғли, Кодир Раҳимов, Шоберди, Илҳом Норов каби бахшиларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Достон ижро чилинини асосан иккича гурух, яни ташки ва ични овозда кўйлайдиганларга ажратиш мумкин. Ички овоз, асосан Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда қорақалпакистонлик бахши ва жировларга хос бўлса, ташки овоз хоразмлик ижро чилингара хос. Ички овозда кўйлайдиганлар кўпроқ дўмбира ва қўзбиздан фойдаланган бўлса, ташки овоздагилар тар баломон чалишган.

Булунғур, Кўргон, Нарпай достончиллик мактаби вакиллари кўпроқ қархамонлик, Шеробод, Қамай вакиллари романтик, хоразмлик бахшилар, эса «ошиқ туркими»даги достонларни нашрларда чоп этилиб, бунгуне кунда ҳам халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда.

- Достонларнинг инсон руҳияти ва ёшлар учун тарбиявий аҳамияти нимада, деб ўйлайсиз?

- Бунгуне глобаллашув жаҳранини иктисодий, сиёсий муаммолар билан бирга маданий-маърифи масалаларнинг ҳам долзарб аҳамияти касб этмоқда. Тўғрирги, иктисодий ва яна башка қўллаб маданий марказнинг илдизлари аслида маданият билан ҳам боғлиқлиги аён бўлмоқда. Бугун интеграция жаҳрани кучайиб бораётган бир пайдат бар биримат билан, ҳалқ ўзига хос бўлган жиҳатларни, ўзлигини, миллий қиёфасини саклаб қола оладими, деган савонлини кўйиши, табиий албатта. Хўш шундай экан, миллият киёфаси кайси faktorларда намоён бўлади? Шубҳасиз, у тил, маданият, санъат ва адабиёт орқали намоён бўлади. Демак, бунгуне шиддаткор замонда юқорида санъат ўтилган хусусиятларини саклаб қолган миллиятгина эртандиги куни – келажагини таъминлай олади. Шу жиҳатдан ҳам бу достонларда инсон руҳиятининг энгўзлал товланишларни кўрамиз.

Ўзбек халқ достонларининг ҳар бир ҳадостини кўзларидан ўз аксини топади. Биргина «Алломиши» достонини ўзбек халқининг урғ-одатлари, миллий кадриятлари, ҳарчонки тарбиятлари тарихи ва жасоратининг бадий қомуси деб атаси мумкин. Унда ҳатто, арзимиз кичик бир детал ҳам рамзи майнонга кашф этади. Тимсолий маънога эга бўлган бундай сатрларни шарҳлаш достоннинг маънисини тўла англашга ёрдам беради. Тўғри, бахши ҳам асарга ўз индивидуал ўхшатиш, қиёсларини киритиши

мумкин. Аммо бу ҳам анъана, эпик ижод конуниятига мос келмаса, асар сюжетига сингишимайди, унинг «ётлигини» ҳалқ дарров англаб олади. Ўзиди ҳалқнинг анъана, удум, маросим, фикр тарзини ифода этиган деталгина ҳалқона образининг маънисин очиши, кенгайтириши мумкин.

Яна бир мисол, Фарбда тадқиқчилар тушунини инсон руҳиятининг интикоши сифатида ўргана бошлаган бўлсалар, «Алломиши», «Гўрўғли», «Кунгутумиши» каби достонларимизда тарбият ҳодисасининг энгўзлал тавшларида ўз аксини топади. Яни,





**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ**  
**ALOQABANK**

Мамлакатимиң ахлини Ватанимиз мустақиллигини  
 19 йиллини билан салимий күтпәләди!



Банк ўз мижозларига қуидаги янги хизматларни таклиф этади:



### Жисмоний шахслар учун ИНТЕРНЕТ БАНКИНГ



### VISA Classic

карточкасига эга бўлинг ва фойдаланинг.  
ОАТ «Алоқабанк» VISA Classic карточкаси  
сафарларингиз учун тенгсиз ҳамроҳингиздир.

Шунингдек, банк ахолига энг юкори фоизли «Интеллект»  
ва «Барака омад» омонатларини таклиф этади.

## ALOQABANK

15 йил  
банк хизматлари бозорида

## Пешогорда бир кун

Ёзги таътил кунларининг бирида оромгоҳда дам оларканмиз, Зоминнинг қадимий еrosti обидаси – Пешогорга саёҳат қилиш иштиёқи бизда ҳамма нарсадан устун турарди. Ниҳоят, орзиқиб кутилган онлар яқинлашиб Моргузар тоғ тизмалари бўйлаб юқорига кўтариликанмиз гор теваракатрофи ям-яшил арчазорларга бурканганигидан баҳри дилимиз очилиб, кўнгиллар яйраб кетди. Мажаллий ахоли Такали ва Кумбел тоғлари туашган бу сўлим масканни мовий тоғлар деб бежиз айтишмас экан. Маълумки, «пеш» форсча – «олди», «олд томони», демак «пешогор» – «фор олди» маъноларини англатади.

Теваракатрофи ям-яшил арчазорларга бурканганигидан баҳри дилимиз очилиб, кўнгиллар яйраб кетди. Мажаллий ахоли Такали ва Кумбел тоғлари туашган бу сўлим масканни мовий тоғлар деб бежиз айтишмас экан. Маълумки, «пеш» форсча – «олди», «олд томони», демак «пешогор» – «фор олди» маъноларини англатади.

Ли форга тушиш истаги бизларни янада гайратшилоатга ундарди. Девор шифтларида сон-саноқсиз кўршапалакларнинг муаллак осилиб турганингига кўзимиз тушди. Жоноворлар фонар чироғи ёргуғида ғалати товуш чиқариб безовталана бошлиди. Турил капалак ва суворлар кашмада бешисод.

Кўршапалаклар кўёш ботиб коронгулик тушиши билан тор тўйнук орқали ташқарига чиқаркан чарх уриб самога кўтарилади.

Гурӯҳ раҳбари етакчилиги да тор ва кичик тўйнук орқали

Уларни турли ҳашоратлар, гуллар нектари ва сув ўсимликлари жалб қиласди. Бу гаройб сут эмизувчilar шу қадар очкўзи, дуч келган ҳашоратларни кириб битирали. Тун зулматида улар кейин узоқ-узоқларга учиб кетишади. Аммо тонг ёришар-ёришмас ҳориб-толиб кайтаёттандаридан ўз маконларига етиб келиш ҳаммаларига ҳам насиб этивэрмайди. Негаки, кенг тумшуқли калхат, савсан, бургут каби йиртқич күшлар чангалига тушиб қолиши харби бор. Гурухимиз аъзолари ҳамжиҳатлиқда фонар чироқ ва машинала ёрдамида ичкарига одимларканимиз, гор саҳни кенгайиб бораради. Уч-турт одим олдини кўриб бўлмасди. Айрим йўлакларнинг худди кувердек номалум томонга чўзилиб кетганлигини гувоҳи бўлди. Баъзан энзис ва тор йўлаклардан эмаклаб ўтишимизга тўғри келди. Эгнимиздаги кийимлар хўл бўлиб танамиз мадорсизлар, бўғинларда бўшаши сезила бошлади ва

лоҳасликни ҳис қилдик. Атрофимизда бирорта гиёҳ ўсмасди. Шунда ўсимлик тирик организм учун нечоғлий кераклигини англаидик. Келишувга мувофик бироз нафас ростлаб тадамди килиб олгач, кичик, тор, байзан тик ва ўнкір-чўнкір йўлларни машқат ва захматлар чекиши эвазига босиб ўтдик. Айнинса, сирпанчик, учирек ва киррала харсангашошлардан ўтарканзис суриниб кетишингиз ҳеч гапмас. Бундан бошка йўл йўк. Хар бир қадам ҳисобга олиниб, хўшёрлик талаб этилади. Акс ҳолда адашиб, кўнгилсиз, хунон оқибларга олиб келиши мумкин. Энзис ва эгри-буғри йўлаклардан ўтаётib «ғир-ғир» эсб турувчи елвиликдан юрагим ҳапқириб кетди. Эртаклардаги сирли мўжизанинг худди ўзгинаси. Шу онда ёнимдаги ларнинг кўнглидан нималар кечди экан?

Гор деворларидан сизб тушаётган сув томчиларидан бир неча жилгар хосил бўлган. Улар бирикаб ариқ

сувини ташкил этиб, худди илон изи каби ташқарига оқарди. Еости йўлида агар оқим мавжуд бўлмагандаги мавҳум ва ўлик гор деб атаган бўлардик. Бирорздан сўнг афсонавий еости йўлида юриб борараканмиз, беихтиёр деворлардаги гранит ва оҳактошларга назар ташшаймиз. Гор ичи бутунлай зимистон бўлиб тун билан куннинг фарқи сезилмасди. Ихтиёrimизда эса фонар чироғи хирадашиб, бир неча шам колганди, холос. Ортимизга қайтарканмиз, йўл азоби ва синовлардан нолиш хаёлимига ҳам келгани йўк. Колаверса, саёҳатнинг ўзгача гашти бор. Ниҳоят, ўзаро аҳиллик ва ҳамхиҳатлигимиз устун келиб Гонгрин номаълум бўшилқаридан мардонда одим ташлаб ёргулик сари кинлашашёттанимизда кўш энди уфқа бosh кўймокда эди. Сафаримиз шу ерда якун топди. Айтиш жоизки, барчамизнинг қўнглимида хотирхамлик, юз-кўзларимиздан эса мамнунлигимиз

## КЎЗГУ

### ҮГИТ

Эзгуликнинг ҳадисини олган одам уни унтиб қўйиши, эсидан чиқариши мумкин эмас.

\* \* \*

Хавотирга тушган одам ўзини бошқара олиш қобилиятини йўқотади.

### БИЛАСИЗМИ?

Австралиялик олимларнинг фикрича, кофеин моддаси инсон руҳиятига кучли таъсир ўтказиш хусусиятига эга бўлиб, атиги бир финжон ҳаҳва ҳар қандай ўжар одамни ҳалимдек мулойм қилиб қўярмиш.

Тадқиқотилар бана ёрдамида руҳий зўрикни даволаш мумкинларини аниклашди. Айнинса, ҳар куни бана еб турган аёллар хамма ишини йигиштириб, кўпроқ ўзининг ташки кўринишига аҳамият беришлар кузатилган.

### ТУРФА ОЛАМ

## Қанотли машина рўё эмас

Terrafugia компанияси 2011 йили худди самолёт каби самода парвоз этувчи автомобил ишлаб чиқариши маълум қилди.



Икки киши учун мўлжалланган мўъжизаскор авто ҳозирча Transition номини олган. Айтишларича, ушбу мудделни ерда ҳам, кўкда ҳам бемалол бошқариш мумкин. Машина максималдаражадаги тезлиги эга бўлиб, ҳайдовчидан факат керакли тұмачаларни босиши талаб этиларкан, холос. Дастанларки самолётомобил кўринишдан замонави спорт автоларидан асло ишга кўлишган кўриниши. Эслатиб ўтамиш, «Жавоҳир кўл» фильмни 1968 йили режиссёр Леонид Гайдай суратга олинган бўлиб, унинг иши номи «Контрабандчилар» эди. Фильм реал воқеаға курилган бўлиб, сценарийни ёзища «За рубежом» журналида босилидан материалада фойдаланилган. Ўшанда журнал чегарадан гипс орасидан қимматбахо тақинюларни олиб ўтишга уринган контрабандчиларни фош қилган экан. Фильм сценарийси аввал бошдан Юрий Никулин учун мўлжаллаб ёзилгани сир эмас. Бирок, иш жараёнда унинг рафиқаси билан бирга ўғли ҳам шу фильмда суратга тушиши.

## Космик лифт

Инфрақизил лазер нурлар ёрдамида 22 граммли вертолёт макети ҳавога кўтарили.

Америкалик олимлар томонидан яратилган ушбу нурларнинг ўлчами 7 сантиметр бўлиб, радио ёрдамида бошқарилувчи вертолёт парвозинизорат қилиш учун мўлжалланган. Laser Motive компанияси вакилининг таъкидлашича, бир неча ваттилар ана шу лазер нурлар таъсирида вертолёт ҳавода 6 соат муаллақ турни мумкин экан. Бирок, аппаратнинг моторчиси бироз кучсизро бўлгани боис, ҳозирча узоқ вақттача узулкисиз фаолият юрита олмас эмиш. Айни пайтда Laser Motive компанияси ана шу лазер технология асосидан космик лифтлар яратилингаш мўлжаллаб турибди. Режа амалга ошса, орбитага ҳаёт учун зарур турли хисобларни олиб чиқиши имкон тугиларкан. Албатта, бу борада олимлар жуда кўплас изланишларига тўғри келади. Мутахассисларнинг фикрича, атмосфера қобигини ёриб ўтгач, лазернинг кучи камайиб, ҳар тарафга ёйлиб кетиш экътиомли мавжуд.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади

ни сезиз кийин эмасди. Ана шу ҳаяжон ва ҳиссиятларга бой туйгўлар она табиати бўлган чексиз мұхаббат ва эхтиром мухими, кўдан Пешогорга саёҳат қилиш орзуси ушалиб, қадимий еrosti обидаси сир-синоати ва гаройб мўжизалари билан танишиш баҳтига мусассар бўлдик. Шунингдек, маъзалий аҳоли ичидаги тарихи яхши биладиган кексалардан гор билан боғлиқ хикояларни марок билан тинглади.

Ха, Зоминга сақайл бериб турувчи қадимий еrosti обидаси билан туман ахли фарханса арзиди. Вилоядада ҳам унинг ўзига хос ўрни бор. Биз саёҳатимиз давомиди қадимий обиданинг бир неча йиллар ёв йўлига мустаҳкам тўсиқ вазифасини ўтаганини ҳамда маҳаллий аҳолини душман суворийларидан химоя килиб келганини ҳақидаги маълумотларни ҳам билди олдик.

Жумладан, XII асрнинг 70 йилларида яшаб ўтган ибн Умархонин ёв қубиб кетаётганида тўрлик оти билан шу форга яширини жон сақлаган экан. Бу зот кейинчалик гор теварак-атрофида биринчидан ҳам бўлган. Уларни ташкил этиб, худди илон изи каби ташқарига оқарди. Еости йўлида агар оқим мавжуд бўлмагандаги мавҳум ва ўлик гор деб атаган бўлардик.

Ха, Зоминга сақайл бериб турувчи қадимий еrosti обидаси билан туман ахли фарханса арзиди. Вилоядада ҳам унинг ўзига хос ўрни бор. Биз саёҳатимиз давомиди қадимий обиданинг бир неча йиллар ёв йўлига мустаҳкам тўсиқ вазифасини ўтаганини ҳамда маҳаллий аҳолини душман суворийларидан химоя килиб келганини ҳақидаги маълумотларни ҳам билди олдик.

Каратиби. Йиллар ўтиши билан ниҳоллар кўкка бўй чўзиб, атроф дарахтаға бурканиби.

Халқ йўлбошчиси, саркарда Спитаменинг отлиқ аскарлари шуғор ичидаги мавзум шуддат нафас ростлаб, панх топишган. Машқ та тайёрларикдан сўнг отлиқ кўшин кўккисдан ҳужум уюштириб, душман юрганига ваҳима солиб уларни маҳа этган.

Темурйлар авлоди бўлмис Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шу юртда босиб ўтган табаррук кадам излари бор... Бундай мисолларини яна кўплаб келтириш мумкин.

Қисқаси, таассурларга бой бўлган саёҳатдан сўнг гурӯхимиз аъзолари табиат билан ҳамоҳанг бўлбіл, тарихий мажмуя, қадимий обидада қадимий обиданинг бир неча йиллар ёв йўлига мустаҳкам тўсиқ вазифасини ўтаганини ҳамда маҳаллий аҳолини душман суворийларидан химоя килиб келганини ҳақидаги маълумотларни ҳам билди олдик.

Азал-азалдан ота-боболаримиз кадрлаб келган тарихий ёдгорлик, обида ва мажмуаларга кенг жамоатчилик дикъат-этиборини қарратган холда келгуси авлодга тарғиб килиш барчамизинг мұқаддас вазифамиздир.

Абдулла САИДОВ,  
Жиззах вилояти

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,  
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-йи

e-mail: milliy@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.  
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Буюртма — Г 823, Адади — 2698

Газета тахририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-  
69-55, 234-87-74,  
234-87-73, 234-86-41 ФАКС:  
234-01-47

Хажми 4 босма табоқ оғсет  
усулида босилди. Қоғоз  
бичими А-2

Саҳифаловчи:  
Ақбар ШОДИЕВ  
Навбатчи мухаррир:  
Гулбахор УМУРЗОКОВА  
Навбатчи:  
Дилфуз РЎЗИЕВА

«ШАРқ» нашриёт-матбаба  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-йи  
Босига топшириш вақти — 21.00.  
Топшириди — 23.00.